



## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Абдуллаев Дилмурод Алияр ўғли -**  
Тошкент молия институти доценти, PhD

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a43](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a43)

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизда фойдасини солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижаси бўйича хулосалар шакллантирилиб, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, солиқ концепцияси, фойда, дивиденд, фойда солиғи, солиқ тўвчилар, солиқ ставкаси.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЯ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ПРИБЫЛИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Абдуллаев Дилмурод Алияр угли -**  
Доцент Ташкентского финансового института, к.э.н.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются реформы, проводимые в нашей стране по совершенствованию администрирования налога на прибыль, и их результаты. Также по результатам исследования были сформированы выводы, разработаны научно обоснованные предложения и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** налог, понятие налога, прибыль, дивиденды, налог на прибыль, налогоплательщики, ставка налога.

## IMPROVING THE ADMINISTRATION OF CORPORATE PROFIT TAXATION IN UZBEKISTAN

**Abdullayev Dilmurod Aliyar uglu -**  
Associate Professor of Tashkent Financial Institute, PhD

**Abstract:** This article examines the reforms implemented in our country to improve the administration of profit taxation and their results. Also, based on the results of the research, conclusions were formed, scientifically based proposals and practical recommendations were developed.

**Key words:** tax, tax concept, profit, dividend, profit tax, taxpayers, tax rate.

**Кириш.** Бугунги глобаллашув ва замонавий бозор иқтисодиёти шароитида дунёнинг ривожланган мамлакатлари солиқлардан давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бирга иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, инвестицион фаолликни ошириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда кенг фойдаланмоқда. Шу боис, ҳозирда жаҳон иқтисодиётининг муҳим аъзоси бўлган ва дунё бозорида бевосита иштирок этаётган мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишда солиқ солиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев солиқ мамуриятчилигида амалга ошириш зарур бўлган вазибаларга алоҳида тўхталиб, “Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Илғор тажрибалар асосида солиқ маъмурчилиги жиддий ислох қилинади.” дея таъкидлаб ўтдилар [3]. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда солиқ тизимини

ислох қилиш иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштиришда корхоналар фойдасига солиқ солиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, фойда солиғи бюджет даромадларини шакллантирадиган асосий солиқ бўлиши билан бирга мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Фойда солиғи паст солиқ ставкаси орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, экспортни ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларини рағбатлантириш асосида миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Адабиётлар шарҳи.** Корхоналар фойдасини солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва солиқ юкини пасайтириш орқали иқтисодиётни ривожлантириш борасида бир қатор маҳаллий олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан:

Профессор Ш.Тошматовнинг фикрига кўра, реал сектор корхоналарида, айниқса йирик корхоналарда фойда солиғи бўйича ҳисобланган жорий тўловлар миқдоридан ҳисобот даври

якуни билан аниқланган ҳақиқий фойда кам миқдорини ташкил этганда, корхона айланма маблағларини четланиши ёки жорий тўловлар бўйича қарздорлик юзага келганда иқтисодий жиҳатдан асосланмаган пеня ҳисобланишига олиб келади. Мазкур солиқни ҳисоблаш билан боғлиқ чалкашликларни олдини олиш мақсадида фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳисоблаш амалиётини бекор қилиш зарур [4].

Профессор Ж.Урмонов фикрига кўра, умум-белгиланган тартибга ўтган фойда солиғини тўловчи кичик корхоналарга табақалаштирилган ва пасайтирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш лозим [5].

Профессор Н.Ашурованинг хулосасига кўра, солиқ юқини оптималлаштириш мақсадида фойда солиғи ставкасининг пасайтирилиши бюджет даромадларининг ортишига, солиқ юқининг камайишига ҳамда ЯИМ ортишига олиб келади [6].

Профессор А.Исламкулов бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқот ишида маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишни солиқлар тизими орқали рағбатлантиришда юридик шахсларнинг фойда солиғини қуйи бюджетларга бириктириб беришни таклиф этган [7].

Профессор Ф.Исаев томонидан фойда солиғи таҳлили методикасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Солиқ кодексининг “Чегирилмайдиган харажатлар”га “айбдорлари аниқланмаган камомадлар” бандини киритиб таҳрирлаш таклиф этилган [8].

PhD X.Зариповнинг қайд этишича, тижорат банклари учун ҳам фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдоридан белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [9].

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Кейинги йилларда Ўзбекистонда корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиқ турларини қисқартириш

ва ҳисоблаб чиқаришни соддалаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинган мазкур концепция бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда[2]. Мазкур концепция доирасида амалга оширилган ислоҳотларга мувофиқ қуйидаги тадбиркорлик субъектлари фойда солиғи тўлашга ўтказилди:

- йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган тадбиркорлик субъектлари;

- бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуйиш станциялари орқали охири истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар;

- товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари;

- йигирма беш гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони эга бўлган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;

- лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

- марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни қуришни бажарувчи юридик шахслар;

- алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шохобчалари;


- бозорларга ва савдо комплекслари;

- солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотлари;

- аудиторлик ташкилотлари;

- нотижорат ташкилотлари, шу жумладан бюджет ташкилотлари.

Мамлакатимизда юқоридаги солиқ тўловчилар фойда солиғи тўлашга ўтказилганлиги натижасида фойдадан солиқ тўлайдиган корхоналар сони сезиларли даражада ошди. Фойда солиғи тўловчилар сонининг 2015 – 2022 йилларда ўзгариш тенденцияси қуйидаги расмда келтирилган.




1-расм. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиғи тўловчилар сонининг ўзгариш динамикаси [10]

Юқоридаги расм маълумотларидан кўри-  
ниб турибдики, фойда солиғи тўловчилар сони  
2015-2018 йилларда 12 391 тадан 7 609 тага  
яъни 4 782 тага камайган. Бироқ, фойда солиғи  
тўловчилар сони 2019-2022 йилларда кескин  
ошиб, 53 051 тадан 165 182 тага етган. Умуман  
олганда, фойда солиғи тўловчилар сони 2022  
йилда 2018 йилга нисбатан 13 баробарга, 2015  
йилга нисбатан эса 22 баробарга ошган. Фойда  
солиғи тўловчилар сонининг кескин ошишининг  
асосий омили солиқ сиёсати концепциясига асо-  
сан барча солиқ тўловчилар учун солиқ юкини  
бир хиллаштириш мақсадида тадбиркорлик  
субъектларининг фойда солиғини тўлашга ўткази-  
лганлиги ҳисобланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари-  
нинг фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий  
омили солиқ юкини камайтириш ҳисобланади.  
Мамлакатимизда кейинги йилларда корхона-  
ларда солиқ юкини камайтириш мақсадида фой-  
да солиғи ставкасини пасайтириш ҳамда фойда-

дан олинadиган солиқларни камайтиришга қар-  
ратилган ислохотлар амалга оширилди. Жумла-  
дан, 2018 йилдан соф фойдадан ундириладиган 8  
фоиз миқдоридagi ободонлаштириш ва ижти-  
мой инфратузилмани ривожлантириш солиғи  
фойда солиғи билан бирхиллаштирилди. Шу-  
нингдек, солиқ солиқ сиёсатини такомиллашти-  
риш концепциясига асосан 2019 йилда фойда  
солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга ва тижо-  
рат банкларига 22 фоиздан 20 фоизга пасайти-  
рилди, Шу билан бирга, дивидендлар ва фоизлар  
кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов ман-  
баидан ушлаб қолинadиган фойда солиғи став-  
каси 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди. Шу-  
нингдек, мобиль алоқа хизмати, полиэтилен гра-  
нулалар ва цемент (клинкер)ишлаб чиқаручи-  
лар учун қўшимча фойда солиғи бекор қилинди.

Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда  
солиғи ставкалари ўзгариши динамикаси 2-  
расмда келтирилган.




2-расм. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиғи ставкаларининг ўзгариши динамикаси\*

\*Изоҳ: 2015-2017 йилларда юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасининг таркибида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси инобатга олинган.

Юқоридаги расм маълумотлари асосида  
2015-2022 йилларда фойда солиғи ставкалари  
динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу  
даврда фойда солиғининг асосий ставкаси 15,5  
фоиздан 15 фоизга, банклар учун 23 фоиздан  
20 фоизга, электрон ташкилотлари учун 15,5  
фоиздан 7,5 фоизга пасайган. Шунингдек, корхона-  
ларнинг дивиденд тарзидаги даромадлари  
учун солиқ ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга яъни  
2 бараварга камайган.

Ўзбекистонда фойда солиғи бўйича солиқ  
тўловчилар сонининг кўпайиши ва солиқ ставка-  
сини пасайиши натижасида солиқ тушуми ош-  
ган. 3-расм маълумотларидан кўри-  
ниб турибдики, 2015-2022 йилларда фойда солиғи тушуми  
ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, фойда  
солиғи тушуми 2015 йилда 1 180,5 млрд.сўмни  
ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йил-  
дан кескин ошган ҳолда 16 360,6 млрд.сўмга  
етган.




3-расм. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиғи тушуми ўзгариши таҳлил [11]

Фойда солиғи тушуми 2022 йилда эса 37 3649,9 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан 31,0 баробарга ошган.

Фойда солиғи тушумининг ўсиши натижа-сида мазкур солиқнинг ялпи ички маҳсулотдаги,

Давлат бюджети даромадларидаги ва бевосита солиқлар таркибидаги салмоғи ҳам сезиларли равишда ошган. Буни қуйидаги 4-расмда кўришимиз мумкин.



3-расм. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиғинг ЯИМдаги, Давлат бюджети даромадларидаги ва бевосита солиқлар таркибидаги улуши таҳлили

Юқоридаги 3-расм маълумотларини таҳлил қилиб айтадиган бўлсак, ЯИМдаги, Давлат бюджети даромадларидаги ва бевосита солиқлар таркибидаги улуши 2015-2017 йилларда ка-

майган, мазкур кўрсаткич 2018-2022 йилларда юқори суръатлар билан ўсган. Хусусан, фойда солиғининг ЯИМдаги улуши 2022 йилда 4,24 фоизни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 3,68 фоиз-

га, Давлат бюджети даромадларидаги улуши 2022 йилда 18,63 фоизни ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан 15,4 фоизга ҳамда бевосита солиқлар таркибидаги улуши 2015-2022 йилларда 13,42 фоиздан 58,42 фоизга яъни 45 фоизга ошган. Бундан кўришиб турибдики, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида фойда солиғидан ижобий кўрсаткичларга эришилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган концепция доирасида корхоналар фойдасини солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича ижобий ислохотлар амалга оширилган. Жумладан, корхоналар ўртасида солиқ юкини бирхиллаштириш мақсадида бир қатор тадбиркорлик субъектлари фойда солиғи тўлашга ўтказилган, фойдадан олинадиган солиқ турлари қисқартирилган ва фойда солиғи ставкалари пасайтирилган. Шу билан бирга, айрим юридик шахслардан ундириладиган қўшимча фойда солиғи бекор қилинган. Бу эса фойда солиғи тушумининг ошишига ижобий таъсир қилган.

Шунингдек, мамлакатимизда 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бизнес учун фойда солиқ ставкалари уч йил давомида оширилмаслигини кафолатлаш вазифаси белгилаб берилди[1]. Бу эса, мамлакатимизда тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай муҳит яратиш имконини беради.

Корхоналар фойдасига солиқ солиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш орқали солиқ базасини кенгайтириш ҳисобига бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғининг асосий ставкасини пасайтириш, фойда солиғи ҳисоботини соддалаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан дивиденд ва фойзлар тарзидаги даромадларни тўлаб берган корхоналар, шунингдек, уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасига тақдим этиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 21 декабрь 2022-йил, №272.
4. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008.
5. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018.
6. Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш: и.ф.д (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018.
7. Исламқулов А.Х. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2020)
8. Исаев И.Ф. Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019.
9. Зарипов Х.Б. Солиққа тортиладиган фойда маъмуриятчилиги механизми: хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммолари. Монография Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 3, June 2023. ISSN: 2181-1016.
10. <http://www.soliq.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси расмий сайти.
11. <http://www.imv.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайти.